*Гул кўп, чаман кўп*

# Айтинг, бегим, ахир севмоқ гуноҳми?

## ИСТИҚЛОЛ ҚЎШИҒИ

Эрк қуёши — Истиқлол келди,
Мангу порлоқ Истиқбол келди,
Озод Ватан, ҳур Иқбол келди,
Қора кунлар энди бўлмайди.
Аждодларнинг ёди бор унда,
Шаҳидларнинг доди бор унда,
Келажакнинг тоти бор унда,
Кеча шомли тунлар бўлмайди.
Алпомишлар туғилгай яна,
Темур бобом қайтдику, ана,
Омон-омон бўлди замона,
Кўзи ёшли унлар бўлмайди.
Ёғий қадам қўёлмас энди,
Осмонингда булутлар синди,
Фараҳли нур — офтоб кўринди.
Жигар пора хунлар бўлмайди.
Эрк қуёши — Истиқлол келди,
Мангу порлоқ Истиқбол келди,
Озод Ватан, ҳур Иқбол келди,
Гўзал замон, гул замон келди.

## ЗАЙНАБ НОЛАСИ

Кўксим тўла орзуларга қиз эдим,
Тилло узук тақилмаган кўз эдим,
Мен бечора Сизни дедим, Сиз дедим,
Менга ҳам бир қиё боқинг, жон бегим.
Болишларим ҳўл қилади жоласи,
Дилгинамда муҳаббатнинг ноласи,
Пойингизни кучсин сочим толаси,
Менку Сиз ён, нечун Сиз бир ён бегим.
Келин бўлиб келдим остонангизга,
Осилибман ишқ — баланд дорингизга,
Жафо қилманг, мен вафо ёрингизга,
Юрагимни кимга очай, қон, бегим?!
Айтинг бегим, ахир севмоқ гуноҳми?
Турмуш қуриб топганларим шу «оҳ»ми,
Тақдиримга кўзёшларим паноҳми,
Ичим куяр ўртаниб, гирён, бегим.
Бахтим гули очилмайин сўлибман,
Тирикликка тўймай туриб, тўйибман,
Энди менга ишқ ўлимдир, ишқ — ўлим...

## ОЙ ВАСЛИ

Абрлар қўйнида тўлин ой кезар,
Мўлтираб боқади, бечора, маҳзун.
Бағритош туманлар кўксимни эзар,
Ҳижрон кечалари бунчалар узун.
Фусункор гўзаллар ҳилолга монанд,
Ошиқлар қалбига ишқ олов солган.
Маъшуқ дил изҳори ўзгага пайванд,
Ишончлар саробдир, садоқат ёлғон.
Дилим осмонида Қамар кўринмас,
Энди уттиз кун ҳам бўлди қоронғу.
О, қандай севардим, Сизни ойнафас,
Муҳаббат ошига тушибди оғу.
Сабр косасининг тоқати синди,
Булутлар тарқалинг, Моҳни кўрайин.
Субутсиз сулувлар майлига кетсин,
Тўлин ой васлига қониб тўяйин.

**Кудрат МЕНГЛИ**

*Миллий анъаналаримиз*

## Қадриятимиз қадри

Ер юзидаги ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий урф-одатлари бўлиб, улар авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаверади. Ўзбек халқи қадимдан меҳмондўстлиги билан дунёга машҳур бўлиб, бу соҳада ўзининг бой миллий удумларига эга.

Халқимиз ўтмишдан кўнгилли дам олишга интилган. Ҳар бир киши ўзининг қувончи, эзгу-ниятларини қариндош-уруғлари, дўстлари ва ёру-биродарлари билан баҳам кўрган. Ўзбек халқининг меҳмондўстлик анъаналари К. Маҳмудовнинг «Меҳмонном» китобида (Тошкент, 1989 йил) ёритилган. Лекин бу барча удумларимиз ўрганилди, дегани эмас.

Мен Сурхондарё вилоятида қадимдан сақланиб келаётган халқимизнинг меҳмондўстлик удумларидан бири — «Гаштак». маросимини тайёрлаш ва ўтказиш жараёнини қисқача баён этмоқчиман.

Гаштак (тожикча гашт, — завқ) саёҳат қилмоқ, зиёфат бериш, бўш вақтини кўнгилли ўтказиш деган маънони англатади. Меҳмондўстликнинг бу шакли Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Бухоро вилоятларида гап-гаштак, Хоразмда «қидиришма», «ўтиришма», «гурунг», воҳада «гаштак», «савбат» (суҳбат) деб турлича номланади.

Ўзбекистон жанубий вилоятлари (Сурхондарё, Қашқадарё)да 40 йигит йиғилишиб кўнгил очишган, бу дам олишни «қирқжигит» (қирқ йигит) дейишган. Шунингдек гаштак тожик, қозоқ, қирғиз, уйғур халқларида ҳам кенг тарқалган.

Гаштак дастлаб уруғдошлик даврида пайдо бўлган. Маълум худудда яшовчи уруғлар яйловдан яйловга кўчиш, чорва қишловини уюштириш, ўзларини ҳимоя қилиш учун чақирилган кенгашни гаштак дейишган. Кенгашга уруғ бошлиқлари, обрўйли кишилар таклиф этилиб, келажак режалар белгиланган. Кейинчалик эса гаштак маълум касб эгалари, ҳунармандлар, тенгқурлар ўртасида ўтказилган. косиблар, аравакашлар, мешкоблар ва бошқа ҳунар эгалари алоҳида-алоҳида тўпларга бўлинишган.

XX аср бошларигача воҳамиз шаҳар ва қишлоқларидаги ҳар бир маҳаллада гаштак ўтказиладиган алоҳида жамоат меҳмонхоналари бўлган. Бу жойни гапхона, гаштакхона дейишган. Меҳмонхоналарни ўзига тўқ кишилапр саховат учун ёки ҳар бир маҳалла ҳашар йўли билан қуришган. Махсус меҳмонхона бўлмаганида гаштак навбат билан хонадонма-хонадон ташкил этиларди.

Гаштак ташкил этиш қоидаси ҳам қизиқ. Халқимизда «Тенг тенги билан, тезак қопи билан» деганларидек, гаштакда кўпинча тенгқурлар иштирок этишган. Кексаларнинг гувоҳлик беришларича, 17 ёшдан 20 ёшгача, 30 ёшдан 40 ёшгача, 40 ёшдан 55 ёшгача бўлган кишилар алоҳида-алоҳида гуруҳ бўлиб гаштак уюштиришган. Кўпинча 60 ёшдан ошганлар иштирок этишмаган.

Уйланган, рўзғорли ёру-дўстлар, ҳамкасблар йиғилишиб ораларидан бир киши «маслаҳат оши» ташкил этган. Бу йиғинда гаштакда иштирок этувчилар сони аниқлангач, уларнинг орасидан раҳбар — «жўра боши»» (гап боши) сайланган. Кўпинча маслаҳат ошини ҳам бўлғуси жўрабоши ташкил этиб, гаштакни бошлаб берган. Меҳмонхонаси, шарт-шароити бўлган кишигина жўрабоши қилиб сайланган.

Гаштакда 10-20 нафар одам иштирок этиб, «бир тўп», «бир жўра» бўлиб уюшишган. Уларни «гапхўр», «гаштакхўр» ҳам дейишган. Бу маросим кўпинча шанба кунлари уюштирилиб. зиғир ёғидан палов пиширилган. Гаштакда фақат эркаклар иштирок этишган, ўзига тўқ оила аёллари ҳам алоҳида гаштак уюштиришган.

Гаштакда иштирок этувчи жўралар тенг ҳуқуққа эга бўлишган. Бу ерда суҳбат, ўйин-кулги, куй, ашула ижро этилган, ҳар ким ўзининг қобилиятини намойиш этган. Кўпинча дутор чалинган, достон, эртаклар айтилган, ғийбат, ортиқча гапга йўл қўйилмаган. Машҳур ёзувчи С. Айний буни шундай тасвирлайди. «...гапдон, ҳозиржавоб ва саводсиз бўлишларига қарамай шеърхон, баъзилари эса шеър айтардилар. Агар буларнинг орасида битта-яримта безори чиқиб қолса унга шафқатсизлик билан жазо берардилар» (С. Айний, Асарлар, 6-том, Тошкент, 1995 йил, 103-бет).

Обрўли, кайвони кишилар билан ўтган гаштакда иштирок этган тенгқурлар юриш-туриш одати, меҳнатсеварлик, инсонийлик, фазилатларини ўрганишган, билмаганларини сўраб олишган. Шунинг учун бу маросим кўнгилли дам олиш, кишиларни бир-бирига қовуштирадиган, дўстликни янада мустаҳкамлайдиган восита сифатида ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Гаштак кишилар ўртасида ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос шакли бўлиб, унинг шахс маънавий тараққиётидаги аҳамиятга беқиёсдир. Ҳар бир киши гаштакда иштирок этар экан, у эл ичида, кўпчиликка хос расм-русм, одоб-ахлоқ, юриш-туриш қоидаларини ўзлаштиради, улардан сабоқ олади. Халқимиз донишмандлар суҳбатини мушк-анбар дейишган:

*Ҳам тавозелик бўлиб, ҳам боадаб,*
*Яхшиларнинг суҳбатини қилғил талаб.*

Жўралар ҳар қандай ишларда бир-бирларига кўмаклашган. Деҳқончилик, иморат қурилиш, тўю-қувончларда камарбаста, аза ва мусибатларда ҳамдард бўлишган. Гаштакда иштирок этмаганлар ўз тенгқурларидан ажралиб қолган. Шунинг учун ота-она вояга етган ўз фарзандларини тенгқурлари сафига киритишга интилишган. Ҳаётимизда одоб-ахлоқсиз кишиларга нисбатан «гап кўрмаган, улфат кўрмаган» иборалари ишлатилади. Ўрта Осиёнинг мутафаккир шоири Рудакий: «Ё болангни мактабга бер, ё бўлмаса мажлисга бер» деб айтганда, мажлис деб дўстлар давраси, гурунгини назарда тутган, албатта.

Ҳайриятки мустақиллик шарофати билан халқимизнинг ажойиб, ноёб удумлари қайтадан ўз қаддини тикламоқда. Айниқса, ҳозир одамгарчилик, инсон қадр-қиммати ва меҳр-оқибат каби фазилатлар ноёб нарсага айланаётган мураккаб бир пайтда гаштак каби мажлислар халқимизга лозим. Халқимиз ижод қилган ва неча асрлардан буён кишиларга севинч, руҳий бойлик бахш этиб келган бу анъанамизни яъни қадриятимиз қадрини билишимиз, эъзозлашимиз, ҳаётимизга чуқурроқ сингдириб янада бойитишимиз зарур.

**Гулчеҳра ХЎЖАНОВА**

*РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ*

### ЯНА БИР ЖИНОЯТ ФОШ ЭТИЛДИ

Қисқача таътилдан сўнг Италиянинг «Тоза қўллар» деб номланувчи тергов гуруҳи ўюшган жиноятчилик билан боғлиқ янги жанжал устида иш бошлаб юборди. Терговчиларнинг навбатдаги «қурбони» — юқори лавозимдаги амалдор шахслардан бири ҳисобланмиш Италия давлати темир йўлларининг бош бошқарувчиси Лоренцо Неччидир. У молиявий кўзбўямачиликлар ҳамда пора олганликда айбланмоқда.

Панжара ортида Неччи билан бир вақтнинг ўзида унинг қадрдон дўсти Пачини Баталлья ва насроний демократлари парламентининг депутати Эмо Данезилар ҳам «ҳордиқ чиқаришлари» эҳтимоли бор. Бу жаноблар 80 йилларда «П-2» — энг махфий ва ашаддий жиноятчи гуруҳ таркибида бўлишган.

Дарвоқе, ҳозир 20 га яқин кишилар устидан мазкур жиноят бўйича тергов иши қўзғатилди.

### ЗАРАРИ КЎПРОҚ ЭКАН

Гонконг истеъмолчилар кенгаши экспертларининг аниқлашича, тиш эмали устида ҳосил бўладиган нохуш моддани йўқотувчи АҚШда ишлаб чиқарилган тиббий воситалар инсон саломатлиги учун бироз зарарли экан. Сабаби, мазкур восита таркибида перекис водороди зарур бўлган миқдордан 100 баробар ортиқ(!)

Бу восита билан тиш ювганингизда эҳтимол тишингиз оқариши мумкин, лекин милкларингиз шамоллаб, қонайдиган бўлиб қолади. Агар уни билмайин озгина ютиб юборсангиз, кўнглингиз қаттиқ айнай бошлайди. Мутахассисларнинг тавсиясига кўра, тишни «оқартирувчи восита» ҳеч қайси маҳсулот тури бўйича рўйхатга олинмайди. Шунингдек, уларни саралаш ҳам қонун йўли билан тартибга солинмайди.

### АЙБДОР ТОПИЛМАДИ

Шу йил июль ойида Сакаи шаҳрида юз берган оммавий бактериологик заҳарланиш сабаблари бўйича ҳукуматга топширилган якуний маърузада Япония соғлиқни сақлаш вазирлиги касаллик тарқатувчи манбани аниқлашда чорасиз эканини тан олди. Бироқ, ОУ-157 уруғли «кайварэ» навли — оқ редиска оммавий заҳарланишларнинг бош сабабчиси бўлиши керак, дея шубҳаланишяпти вазирликдагилар.

Шуниси равшанки, ўта кучли иссиқликда қайта тозаланмаган фақат ана ўша редиска бўлган. 8-9 июль кунлари мактаблардаги нонуштага ўқувчиларга ана шу «бадбахт» сабзавотнинг барра барглари ҳам қўшиб берилган. Тадқиқотлар оқибатида эса мазкур сабзавот таркибида зарарли моддалар аниқланмади. Шунга қарамай кун чиқар мамлакат бозорларидаги сабзавотлар нархи сезиларли даражада тушиб кетди.



## САМАРҚАНД ОСМОНИДА

Кезар бўлдим фазоларда мен,
Оқ тўлқинлар уммони ичра.
Юрагимда қайғу, шодумон
Айланурман Самарқанд узра.

Кўз ўнгимда қадимий жаҳон,
Асрларни бузар ҳаёлим.
Осмонда шунча ҳаяжон,
Тушганимда не кечар ҳолим?

Тарих айтар, аста жаранглар
Даҳмаларда қадрдон калом.
Зиё сочар самовий ранглар,
Минорларда абадий илҳом.

Кўп-ку шаҳар деганнинг оти,
Имкон бўлса кўрарман бир-бир.
Бироқ танҳо эрур ҳаётим,
Танҳо эрур Самарқанд ахир.

*«Обуна—97» «Обуна—97» «Обуна—97» «Обуна—97»*

## ОСТОНА

Бугун матбуотни демократиялаштириш, шунинг баробарида унинг мавқеини кўтариш ҳақида кўп гапирилмоқда. Баъзан журналистлар шаънига асоссиз таъналар айтишгача бориб етилаётир. Тўғри, нақадар аччиқ бўлмасин, тан олмоғимиз шарт: бугунги матбуотимиз кўпам талабга жавоб бераверм айди. Турган гапки, бунинг ўзига хос сабаблари бор. «Энг биринчи сабаб, менимча...», дея ўтмишга тош отишнинг мавриди мас, ҳозир яхшиси, келажак хусусида қоғоз қораламоқ маъқулдай...

Ҳар бир мамлакат матбуоти ўз халқининг руҳиятидан келиб чиқиб фаолият курсатиши керак. Дейлик, ўрислар билан ўзбеклар психологиясини солиштирсак ер билан осмонча фарқ бор. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, Россия матбуоти саҳифаларида қип-яланғоч аёлларнинг расмлари берилиши («Спид инфо» деган шарманда газет ҳақида-ку гапирмайлик!), давлат арбобларининг турли «поза»ларда суратлари босилиши, шалоқ латифалар улар учун табиий туюлиши мумкин. Биз, ўзбеклар бунақа нарсаларни қабул қила олмаймиз. Негаки, Шарқона ахлоқ доирасида тарбия топганмиз. Шоиримиз Ғафур Ғулом лафзидан айтсак, «шарқдан келаётган» одамлармиз. Яланғоч қизлар хусусида-ку тўхталмайлик, ҳатто калта кўйлакли ойимчанинг газетада сурати босилиши биз учун ор ҳисобланади. Фақат «айби»миз шундаки, фикр бор, мулоҳаза етарли, шуларни катта минбардан туриб аюҳанос солишга ўрганмаганмиз.

Умуман, бизга дастак қилинаётган ўрис матбуотини том маънода демократик, холис минбар деб буладими? Узоққа бормайлик, эндигина мустақилликка эришган вақтларни эслайлик. Ўзбекистон истиқлоли ҳақида турфа «маш-маша»лар тўқувчи кимсалар ноғорасига ўйнаганлар ҳам ўрис газетачилари эди-ку! Яқинда «Халқ сўзи» газетасига чиққан «Алаҳсираш» деган мақолада шу хусусда куйиниб ёзилган гапларни ҳаммамиз ўқидик. Энди жиндек мулоҳаза қилайлик: Россия матбуоти «демократия» дея «танқидбозлик» деган иллатни келтириб чиқармаяптими? Мазкур иллатнинг урчишига ўзлари билиб-билмаган ҳолда доя бўлмаётирлармиди?.. Афтидан, ўрис газеталарини бизга дастак қилаётганларга ҳам мазкур «иллат» ўз таъсирини ўтказиб бўлганга ўхшайди.

Кейинги икки ярим ой ичида ўзбек матбуоти равнақи йўлида, талай ишларга тамал тоши қўйилди. Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватловчи Фонднинг тузилиши ўзбек матбуотида муҳим воқеа бўлди. Шу фонд раҳбариятининг ташаббуси билан ўтказилаётган жонли мулоқотлар, айниқса яқиндагина маҳаллий ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган «Демократиялаштириш шароитида оммавий ахборот воситалари» мавзуидаги давра суҳбатларидан кўринадики, матбуотимиз тараққиёт остонасида турибди. Бу ҳавойи фикрмас. Гап бу вазифани удда лашда, миллий матбуот яратиш масъулиятини теран ҳис этишда қолди...

Шу жойда, атоқли адибимиз таъбири билан айтсак, орзулар осмонидан «Туркистон» таҳририятига тушиш фурсати етди. Хўш, биз нималар қилмоқчимиз?.. Ниятларимиз кўп. Амалга оширажак, ошираётган ишларимиз ҳам. Аввало, таҳририятимизга ёш, истеъдодли ёшларни жалб қила бошладик ва илк меваларидан тотиб ҳам улгурдик. Таниқли ижодкорларимизнинг бизга нисбатан ўта хайрихоҳлигидан ўзингиз ҳам воқиф бўлдингиз. («Туркистон» — биз билан» 1996 йил.) Демак яқин келажакда Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Ш. Холмирзаев, А. Орипов ҳамда севимли адибларимиз Эркин Аъзам, Тоҳир Малик, Рауф Парфи, Муҳаммад Юсуф ва бошқаларнинг ҳали сиёҳи қуриб улгурмаган асарларини фақат «Туркистон»дагина ўқишингиз мумкин. Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси бизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доимо тайёр... Биз фақат ва фақат сизлар учун ишлаймиз...

Кўринадики, ниятларимиз амалга ошиши бир жиҳатдан Сиз азиз муштарийларга ҳам боғлиқ. Боғлиқлиги, сиз «Туркистон»га обуна бўлинг, унга ёзиб туринг, сирлашинг, дўстлашинг, азиз ёшлар, биз сизларни доғда қолдирмаймиз.

*ЁДДАН ЧИҚАРМАНГ:*

**НАШР КЎРСАТКИЧЛАРИ:**

**Якка шахслар учун: 64607.**
**Ташкилотлар учун: 64633.**

**«ТУРКИСТОН»ЧИЛАР.**

*Газета саҳифаланаётганда*

## ХИЁБОНДА «БАХТ УЙИ»

Буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги Наманган шаҳрида ҳам кенг нишонланмоқда. Бу борада бир қанча таҳсинга лойиқ хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Соҳибқирон йилига атаб шаҳар марказида 2,5 гектар майдонни эгаллаган Амир Темур хиёбони барпо этилиши ана шундай тадбирлардандир.

Ушбу маскан лойиҳаси Наманган шаҳар бош меъмори А.Абдуғаффоров бошчилигида ишлаб чиқилди. Қурилиш ишларини Б. Саматов раҳбарлигидаги наманган қурилиш бошқармаси бунёдкорлари амалга оширишди.

Хиёбон композициясидан 5 та фаввора, дид билан жойлаштирилган замонавий шаҳар архитектурасига мос гулхоналар, кенг йўлкалар ва улар четида хордиқ чиқариш учун ўриндиқ қўйилган. Хиёбонни яқин атрофдаги турар жойлардан ажратиб турувчи баланд ва кўркам 170 метр узунликда девор қурилган бўлиб, у бошидан оёқ Амир Темур сиймоси ва унинг тарихи билан боғлиқ ёдгорликлар акс эттирилган паннолар ила безатилган. Яқин келажакда ушбу паннолар ўрнини таниқли санъаткор Илҳом Жабборов раҳбарлигида яратилаётган монументал асарлар мажмуаси эгаллайди.

Янги хиёбонни яна бир диққатга сазовар томони шундан иборатки, худди шу ернинг ўзида тезкорлик билан қуриб битказилган ҳашаматли «Бахт уйи» қад кўтарди. Эндиликда мустақил ҳаёт бусағасида турган ёшлар ўзларининг дастлабки бахтли онларини буюк аждодимиз номи билан аталган хиёбонга сайр билан бошлашмоқда. Бу нарса, албатта, қадимий маънавиятларимизни тиклашда муҳим аҳамият касб этади.

**Давронбек НОСИРОВ,**
**Тошкент Давлат университети талабаси**

## «ГУЛИСТОН» ҲАММАНИНГ ЖУРНАЛИ!

Илм-фан, маданият, миллий қадриятлар, улуғ алломалардан қолган бой меросни тарғиб ва тақдим этишда «Гулистон» журнали фаолияти ўзига хос аҳамиятга эга.

Журналимизнинг ўтган сонларини варақлар экансиз, завқ билан ўқиладиган, қайта-қайта мутолаа қилишга арзигулик асарларга кўзингиз тушади. Журнал мундарижаси ранг-баранг ва бой. Ижтимоий ҳаётимизнинг кенг ва турли тармоқларини бир қадар уйғун ҳолда қамраб олган «Гулистон» республика табиати, унда яшаётган турли миллатга мансуб халқлар ва элатлар, уларнинг урф-одат, анъана, маданияти ҳақида ҳам қизиқарли мақолалар туркумини ёритаётир. Жумладан, қрим-татар миллатига мансуб Козим Эминовнинг ўғли— мусаввир Рустам Эминовнинг ҳаёт ва ижодий фаолиятига журнал зарварақларида кенг ўрин берилди. Кейинги йил режасида улуғ қозоқ адиби Асқар Сулаймоновнинг серқирра ижодига доир адабий-бадиий мақола нашрга тайёрланяпти. Хўжандлик элшунос олим, тарих фанлари доктори Назиржон Турсунов журналга ташриф буюрган чоғда яқиндан ҳамкорлик қилишга келишилди. Шунингдек, «Туркистон — умумий уйимиз» рукни остида Марказий Осиё халқлари ҳаётига доир кўплаб тадқиқотлар ҳам муҳарририятнинг йиллик режасига киритилди.

Журнал мундарижаси билан танишар экансиз, республикамиз ижодкорлари — рассомлар, ёзувчи-шоирлар, санъат кишилари ҳаёти, ижоди ҳақида берилган кўплаб қизиқарли мақолаларга кўзингиз тушади. Биз янги йилдан эътиборан, ўқувчиларнинг таклифлари асосида ижодкорлар ҳақида янада кенгроқ маълумотлар бериб боришни лозим топдик. Журналнинг илк сонида кенг китобхонлар оммасига ўзининг «Шайтанат» асари орқали яхши таниш бўлган ёзувчи Тоҳир Малик билан суҳбат эълон қилиняпти. Сизларнинг таклифларингиз асосида бундан кейин бу рукнни мунтазам ёритиб борамиз.

Халқимиз қадимдан куй-қўшиқ шайдоси. Шуларни инобатга олган ҳолда журнал саҳифаларида сиз севиб тинглайдиган машҳур, истеъдодли хонанда-созанда, етук театр артистлари ҳақида ҳам ранг-баранг мақолалар бериб борилади.

Хулласи калом, «Гулистон»нинг янги йилда режалаштириб қўйган ишлари кўп. Уз шакли-тамойили ва мазмунига эга бўлган, Марказий Осиёдаги ягона журнал янги йилда ҳам юксак савияли, талабчан ўқувчилари олдида аввалги мавқеини ишонч билан оқлайди. Бунинг учун, Сиз азиз журналхонлар, янги йил учун обуна бўлсангиз, йил давомида барча қизиққан мавзуингизда талай мақолалар ўқийсиз.

*Журнал индекси: 75233*
*Бир йиллик обуна баҳоси: 286 сўм 80 тийин.*

**«ГУЛИСТОН» таҳририяти**

*Муассис:*
**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ**
*Ҳомий:*
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ**

**Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ**
**Навбатчи муҳаррир: Гулнора МИРЗАҲОШИМОВА, навбатчи: Шуҳрат СУЮНОВ.**

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 36-56-58, 33-95-97; хатлар бўлими — 36-54-64; тижорат бўлими — 33-79-69; ижодкор ёшлар бўлими — 36-54-64; спорт, ҳарбий ватанпарварлик бўлими — 36-58-93, котибият — 36-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй
Нашр кўрсаткичи 64607

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Реклама ва эълонлар учун тел.: 33-95-97, 33-79-69**

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. — 0571.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми — 2 табоқ Тираж: 8913.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти ——20.30
1 2 3 4 5 6